

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

2022 йил "14" 01

51/2-сон Қоссовск

(шартнома тузилган манзил)

"Навоний ҳудудий электр тармоклари корхонаси" АЖ (кейинги ўринларда "Корхона" деб аталади)нинг низоми асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Б.Исломов, бир тарафдан ва

Қоссовск 775
(Электр энергияси истеъмолчисининг номи)

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади) нинг неужо-е асосида фаолият юритувчи раҳбари

Б. Исломов
(“Истеъмолчи” раҳбарининг номи Ф.И.Ш.)

иккинчи тарафдан,

мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

I. Шартнома предмети

Ушбу шартнома билан "Корхона" тармоклари орқали электр энергиясини (кейинги ўринларда - энергия деб аталади) "Истеъмолчи"га етказиб бериш, "Истеъмолчи" эса истеъмол қилинган энергия ҳаққини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

II. Етказиб берилган энергия ҳисоби

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

актив 9000 кВт.с., реактив _____ кВар.с. ташкил этади.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кундаги умумий нархи 450 тариф бўйича тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдаги ПП-3379 қарори билан тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тариф (кераклиси ёзилсин) 4050 000.

сўмни ташкил этади.

2.3. Истеъмолчининг ойлар кесимида бўлинган йиллик энергия ҳажми ушбу шартноманинг 1 иловасида келтирилган.

2.4. "Истеъмолчи" томонидан ҳақ тўланиши лозим бўлган ҳақиқий қабул қилиб олинган энергиянинг ҳажми ҳисобга олиш асбобларининг (кейинги ўринларда - ҳисоблагичлар деб аталади) кўрсаткичлари асосида ушбу шартноманинг

2-иловасида назарда тутилган тартибда аниқланади.

2.5. Вазирлар Маҳкамасининг 24.12.2008 йилдаги 277-сонли қарори 1 иловасида белгиланган рўйхат асосида табиий монополия субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатиладиган истеъмолчилар учун энергияни минимал йиллик ҳажми _____ кВт/соат ташкил этади.

III. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдаги ПП-3379 қарори билан тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тегишли тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган "Истеъмолчи" (бюджет ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) энергия учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тарифи бўйича амалга оширади.

Табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:

ярим тигиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – ўрнатилган тариф бўйича; тигиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6-00 дан 9-00 гача, кечки энг катта миқдор соат 17-00 дан 22-00 гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 барабар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22-00 дан 24-00 гача ва 00-00 дан 6-00 гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 барабар миқдорда камаювчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳидаги “Истеъмолчи”ларнинг бир ставкали тарифига мувофиқдир.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган “Истеъмолчи”га энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВАгача бўлган “Истеъмолчи”га энергияни реализация қилиш нарҳни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига кирувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи “Истеъмолчи” учун Ҳукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар қўлланилади.

3.3. Ушбу шартнома бўйича ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади, яъни ҳисобот ойнинг 1-санасидан кейинги ойнинг 1-санасигача.

3.4. “Истеъмолчи” ҳар ойда “Корхона”нинг ваколатли вакили иштирокида ҳисоб-китоб даври охирида ҳисоблагичлар кўрсаткичларини ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисоботни тузади.

Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси белгиланган шакл бўйича ойнинг 01-санасидан 05-санасига бўлган муддатда ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот, истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб ҳисобланади, яъни

Бунда, тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширувчи, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган “Истеъмолчи” бўйича энергия (актив ва реактив) сарфининг тўлиқ ҳажмидан ташқари, алоҳида-алоҳида тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлардаги ҳажмлари ҳам аниқланиши ва кўрсатиб ўтилиши шарт.

3.5. Энергия сарфи бўйича ҳисобот асосида “Корхона” ўрнатилган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади, 5 кун ичида тўлаш учун ҳисоб фактура ва тўлов ҳисоб варағини ёзиб беради. “Истеъмолчи”да турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объект мавжуд бўлган тақдирда, ҳар бир тариф гуруҳи кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

3.6. Истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб бериш, улар томонидан келгуси ҳисобот даври бошлангунча шартномавий миқдорнинг 100 фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тўлангандан кейин амалга оширилади, яъни “истеъмолчи”га энергияни етказиб бериш ойнинг 10-санасигача ҳисобот оyi ва келгуси ой учун шартномада белгиланган 100 фоизлик миқдор учун олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилган тақдирда, электр энергия узатилади, акс ҳолда ҳар ойнинг 11-санасидан бошлаб истеъмолчилар тармоқдан ажратилади.

3.7. Тарифлар ўзгарганида “Истеъмолчи” етказиб берилаётган энергия учун янги тарифлар кучга кирган кундан бошлаб истеъмол қилинган энергия учун янги тарифлар бўйича ҳақ тўлайди.

3.8. Ҳисоблагичлар ушбу шартноманинг 4-иловасидаги томонларнинг электр тармоқлари баланс мансублилиги ва фойдаланиш бўйича масъуллигини тақсимлаш бўйича далолатномага мувофиқ аниқланадиган электр тармоғининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг чегарасидан ҳисоблагич ўрнатилган жойгача бўлган участкадаги энергиянинг технологик сарфининг ҳажми “Истеъмолчи” билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 5-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, табакалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширувчи 750 кВА ва ундан юқори бўлган қувватга уланган "Истеъмолчи" учун энергиянинг технологик сарфланиши сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб ёки умумий технологик сарф микдоридан келиб чиқиб ҳар бир давр учун мутоносиб равишда ҳисоблаб, жами олинган энергия ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳисоб варағини ёзиш учун мутоносиб равишда қўшиб борилади.

3.9. Ҳисоблагичлар кўрсаткичи ёзиб олинмаган ёки энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот "Истеъмолчи" томонидан тақдим этилмаган тақдирда, "Корхона" томонидан энергия истеъмолининг шартномавий микдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб давр учун энергия истеъмолининг амалдаги микдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилишга ҳақли, бу ҳақда "Истеъмолчи"нинг ҳисоб варағида тегишли равишда қайд қилинади.

Ҳисоблагичлар кўрсаткичи назорат тартибида "Корхона" вакили томонидан ёзиб олингандан кейин "Корхона" томонидан амалда истеъмол қилинган энергия учун белгиланган тартибда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

3.10. "Истеъмолчи"нинг энергия учун тўловлар, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергия қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

"Истеъмолчи"нинг айби билан ушбу шартномада кўрсатилган энергия ҳажми тўлиқ истеъмол қилинмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.11. Шартномада келтирилган ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган микдордан 5 фойздан ортиқ микдорда энергия истеъмол қилинганда, "Истеъмолчи"дан шартномада кўрсатилган микдордан ортиқча истеъмол қилинган энергиянинг жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари микдорида тўлов ундирилади.

3.12. "Истеъмолчи" "Корхона" билан биргаликда ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.13. "Истеъмолчи"ни электр тармоқларидан узиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

Шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

"Корхона" талабномалари ижро этилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисоблагичлар кўрсаткичларини олиш ва ҳисоблаш тизими уланиш занжирини текшириш учун рухсат этилмаганда;

ҳисоблагичлар қасддан бузилганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашилганда;

электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

3.14. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб "Истеъмолчи"ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.15. Истеъмолчи тармоққа унинг томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробари микдорида тўлов ундирилгандан сўнг қайта уланади (ЭНХАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно, ЭНХАТга уланган истеъмолчи дегани: масофадан тармоқдан ажратиш имкони бор истеъмолчилардир).

3.16. Истеъмолчи етказиб берилган энергия учун ўз вақтида (шартномада белгиланган муддатларда) тўламаса, Корхонага муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0,1 фойзи

миқдорида (Энергия махсус тартибда етказиб берувчи корхоналар учун 0,2фоиз) лекин муллоти ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

IV. Томонларнинг ҳуқуқ ва мужбуриятлари

4.1. "Истеъмолчи" қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзининг электр қурилмаларини техник шартларга мувофиқ "Корхона" электр тармоқларига улаш;
сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган энергия олиш;
энергия етказиб беришнинг тугатилиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

"Корхона"га истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин

10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

энергия тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарларни белгиланган тартибда қоплатиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бир тарафлама тартибда шартномани бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган суммани қайтарилишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тугатилганда зарарни қоплашни талаб қилиш;

Шартномани тузиш ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга ёки бўйсунуш бўйича юқори ташкилотга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

"Истеъмолчи" қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. "Истеъмолчи" қуйидагиларга мажбур:

энергия истеъмол қилишни белгиланган режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қиладиган электр тармоқлар, асбоблар, электр қурилмаларининг техник ҳолатин лозим даражада сақланишини, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда ҳавфсизли техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, "Корхона"га электр асбоб-ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар қилиш;

энергиядан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

"Корхона" ва "Ўздавэнергоназорат" инспекциясининг ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидаларининг талабларини бажариш;

белгиланган тартибда "Корхона"нинг тегишли вакилига ҳисоблагичларни кўришига имкон бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишида камида бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун "Корхона"га буюртманомга бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларида узатишда, маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар турларининг) технологик жараёни эҳтиёжларига, ишчи чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритишга, иситишга, шамоллатишга энергия сарфин шунингдек ушбу электр тармоқларига уланган суб "Истеъмолчи"ларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган "Истеъмолчи":

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори,

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламалари давларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи, энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини ҳисобга олиш ва "Корхона"нинг талабига кўра ҳақ қилиши шарт.

"Истеъмолчи" қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

“Истеъмолчи”дан шартномада белгиланган мажбуриятларни лозим даражада бажарилишини талаб

этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда “Истеъмолчи” томонидан етказилган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр хўжалиги объектларида авариявий ҳолатлар мавжуд бўлганда “Истеъмолчи”ни электр қурилмаларини ўчириш. “Истеъмолчи” томонидан шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда “Истеъмолчи”ни электр тармоқлардан ўчириш, шунингдек ЭНХАТга уланган ёки олдиндан тўлов қурилмасига эга ҳисоблагичи бўлган “Истеъмолчи”ларни олдиндан тўлов тугагандан сўнг ўчириш.

“Корхона” қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

“Корхона” ушбу шартномада кўрсатилган ҳолатлардан ташқари бўлган ўчириш оқибатлари учун жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона қуйидагиларга мажбур:

уланган электр тармоқлар орқали “Истеъмолчи”га - электр тармоқларининг мансублик чегарасига шартномада белгиланган ҳажмдаги энергияни узлуксиз етказиб бериш;

қурилмаларни, электр узатиш линияларини, ҳисоблагичларни эксплуатация қилиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек ўзининг электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огохлантириш;

энергия етказиб берилишидаги тўхташлар тўғрисида ва тўхташларнинг сабаблари тўғрисида “Истеъмолчи”га маълум қилиш;

қиритилаётган чеклашлар тўғрисида чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

“Истеъмолчи”нинг энергия етказиб берилмаганлиги ва электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги аризасини, “Истеъмолчи”дан ариза олинган кундан ўн кундан кечиктирмасдан кўриб чиқиш, уларни бартараф этиш ва тўлақонли жавоб йўллаш;

“Истеъмолчи”га етказиб берилган энергия ҳисобини белгиланган тартибда олиб бориш;

“Истеъмолчи”нинг белгиланган тартибда қиритилган тақлифларига мувофиқ беш кун муддатда энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар қиритиш, энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақда, рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда “Истеъмолчи”га хабар қилиш;

“Истеъмолчи”га ўрнатилган ҳисоблагичларни алмаштиришни, ўрнатишни ва уларга хизмат кўрсатишни, шунингдек уларни пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган энергия етказиб бериш.

“Корхона” қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Мазкур шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, “Корхона” бунинг натижасидаги етказилган зарарни қоплашга мажбур, “Истеъмолчи” эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. “Корхона”:

“Истеъмолчи” энергия истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмаган, энергия истеъмолининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйган тақдирда, “Корхона” томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаган суткаларда паст сифатли энергия етказиб берилганлиги учун;

Захира манбани автоматик улаш, автоматик қайта улаш ва автоматик давр-тезликли ўчиришларнинг ишлаш вақтида энергия етказиб беришдаги танаффуслар учун "Истеъмолчи" олдида молдий жавобгар бўлмайди.

5.3. "Истеъмолчи" енгилмас куч шароитлари (форс-мажор) мавжуд бўлгандаги ўчишлар ва бошқа ҳолатлар учун, "Қорхона" "Истеъмолчи" олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Ушбу шартнома бажарилиши жараёнида юзага келадиган барча низолар ва келишмовчиликлар ўзаро музокаралар йўли билан амалдаги қонун, фармон, қарор, низомлар асосида тартибга солинади. Улар музокаралар йўли билан ҳал этилмаган тақдирда, судда ҳал этилади.

VI. Яқиний қоидалар

6.1. Шартнома 2022 йил 31 12 гача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгартиришлар жорий ойда қўлланилмайди, балки кейинги ойдан кучга киради.

Бюджет ташкилотлари учун : Мазкур келишув тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб Ҳазначилик органларида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб кучга киради ва 2021 йил 31 декабргача амал қилади

Шартнома муддати ўтиши билан, агар томонларнинг бирортаси уни муддатини узайтириш ёки бекор қилиш тўғрисида ариза бермаган бўлса, у кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади. Ариза шартноманинг амал қилиш муддати тугашига бир ой қолгунча берилиши керак.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган, томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Шартнома томонларнинг бирини ташаббуси билан муддатидан олдин бекор қилиниши иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда, томонларнинг ўзаро ҳисоб-китоб қилганлик шарти билан амалга оширилиши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда тақдим қилинади.

6.4. Барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда бўлган ва томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган бўлса ҳақиқийдир.

VII. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

"Истеъмолчи":

Юридик манзили

Почта манзили

Ҳисоб рақами

Банк коди (МФО)

Истеъмолчини юридик манзили бўйича кадастр номери

Маҳалла номи

Қосимлик ТТБ 35-сон ОИ.

МБЧ сано қурағи 24 қў.

1000228601221707210034002

00014 (ИНН) 200012834

21.01.04, 21.04.1521

Қурағи МФЧ.

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган "Истеъмолчи"лар учун:

Бюджет фондининг ҳисоб рақами

Банк коди (МФО)

Бюджетдан ташқари фондининг ҳисоб рақами

Банк коди (МФО)

Телефонлар:

Факс:

("Истеъмолчи" телефон рақамлари, шу жумладан унинг раҳбарининг уяли телефони кўрсатилади)

Статистик кодлар:

ОКЭД

СООГУ

23402000300100001010.

00014 (ИНН) 201122819

10012286012217073101834001

00014 (ИНН) 201122819

295121311

295121311.

86120

03873

СОАТО 1712211
КФС 226
КОПФ 2100
ОКПО 9151

Корхона:

Почта манзили Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Низомий кўчаси 22 уй
Ҳисоб рақами _____

Банк коди (МФО) **00207 СТИР (ИНН) 200002553**

Телефонлар: _____ Бошкарма--- 224-88-91 _____

Факс: _____ Бошкарма----224-33-51 _____

Статистик кодлар:

ДБИБТ (СООГУ)

МИОБТ (СОАТО) 1712401366



Хукукшунос қўлчаси

(имзо)

(Ф.И.О)

Электр таъминоти шартномасига
1 - илова

Етказиб бериладиган энергия ҳажми

1. Тариф гуруҳи _____
2. Фаолият тури _____
3. “Истеъмолчи” электр қурилмаларининг уланган қуввати: _____ кВА (кВт)
Техник шарт рақами № _____ санаси _____
4. Техник шартларга мувофиқ рухсат этилган қувват _____ кВт.
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича) _____
6. Ҳисоб-китоб тури: _____

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдаги ПП-3379 қарори билан тасдиқланган рўйхат

бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тариф (кераклиси ёзилсин) (кераклиги ёзилсин)

7. Истеъмолчи жойлашган маҳалла ном _____

	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича			
Йил, жами	<u>9000</u>				
Январь	<u>3000</u>				

Февраль	3000				
Март	3000				
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Корхона бир кунда _____ соат, бир ойида _____ кун ишлайди.
Сменада бунча юклама таксимоти (фоиз ҳисобида) I _____, II _____, III _____.



Имзолар:

Корхона

«Навоий ҲЭТК» АЖ бош директори

Б.Исломов

ЭТК бошлиғи

ЭТК ҳисобчиси

ЭТК ЭЭОХ ва ТҚБ муҳандиси



Электр таъминоти шартномаига 2 - илова

Энергия ҳисоблагичлари ўрнатилган жойлари ва тавсифлари

Истеъмолчи ларни (субистеъмо лчиларни) Ҳисоблагич- лари ўрнатилган жойлар, кучланиш синфи (кВ) ва ҳисобга олиш асбоби тури кўрсатилган холда	Ҳисобга олиш асбоби тури (актив, реактив), (номинал токи)	Ҳисобг а олиш асбоби рақами	Ҳисобга олиш асбоби клемма копкоғидаги, пломбанинг номери		Ўлчов трансформат ор-ларининг трансформац ия коэффициент и		Ҳисоб-китоб коэффициенти	Шартно ма тузиш санасиг а ҳисобга олиш асбоби кўрсатк ичи	Тариф тури сум/ 1 кВт.с.
			Корх она- нинг	ракам и	Ток	Куч ла- ниш			

Электр таъминоти шартномасига 3 - илова

Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича
ҲИСОБОТ

20 ____ йил _____ ойн бўйича

Кўрсаткичлар қайд этилган сана « ____ » _____ 20 ____ йил.

Уланманинг номи, хисоблагич нинг завод номери, хисобга олиш тури (актив, реактив)	Ҳисоб-китоб коэффициенти			Ҳисоблагич кўрсаткичл ари		Ҳисоблаг ич курсаткич ларининг фарқи	Сарф , кВАр. с.	Табақалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с.				
	ток трансфор- маторини нг (ТТ)	кучла- ниш транс- форма- торини нг (КТ)	уму- мий	бошла нгич	охирг и			Эрта- лабки макси мум	Кун	Кечки макси -мум	Тун	
											соат 6-9	соа т9- 17
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Жами												

Изоҳ: гр 7= гр 6- гр 5, табакалаштирилган ҳисоб учун назорат рақами гр 7= гр 9+гр10+гр11+гр12+гр13
гр 8 = гр 7*гр 4



Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси
ДАЛОЛАТНОМАСИ

1. "Истеъмолчи"нинг балансида қуйидаги электр қурилмалар мавжуд:

а) хаво линиялари _____

б) кабель линиялари _____

в) нимстанциялар, трансформатор нимстанциялари _____

2. "Истеъмолчи" ва "Корхона" ўртасидаги электр тармоқларнинг баланс бўйича мансублик чегараси:

_____ аниқланади.

3. Улардан қуйидагиларга:

а) _____

_____ хизмат кўрсатиш "Истеъмолчи" ходимлари томонидан,

б) _____
"Истеъмолчи" билан тузилган шартнома асосида электр таъминоти корхонаси томонидан амалга оширилади.

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси қуйидагича белгиланди:

Имзолар:



Корхона

_____ Н. Ишматов
_____ Ф. Зосиров
_____ Ф. Исмаилов

М.У.

Энергия йўқолишларини аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА

Энергия ҳисоблагичлар электр тармогининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармогининг мансублик чегарасидан ҳисоблагич ўрнатилган жойгача бўлган участкадаги ҳисоблаш йўли билан аниқланган энергиянинг технологик (сарфи) йўқолишлари бу:

а) Қуввати _____ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари _____ кВт.соат ёки _____ фоизини, реактив энергия йўқолишлари _____ кВАр.соат ёки _____ фоизини ташкил этади;

б) «Истеъмолчи»нинг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги _____ м;

Кесим юзаси _____ мм²;

Русуми _____;

Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ фоизни ташкил

этади;

в) «Истеъмолчи»нинг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги _____ м;

Кесим юзаси _____ мм²;


Русуми _____;

Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ фоизни ташкил

этади.

Жами ҳар ойлик энергия йўқолишлари ҳажми ҳисоб-китоб давридаги энергия сарфининг _____ фоизини ташкил этади.

Маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларигача бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ёки коммунал эксплуатация ташкилотлари истеъмолига қаратилади. Ушбу ҳисоб-китоб 8-иловада қайд қилинган.



Вакиллар:

Корхона



М.У

Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

1. Компенсация қурилмаларининг ўрнатилган қуввати

Т/р №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечқурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори, жумладан:				
1.1	Автоматик ростлаш билан: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
1.2	Дастаки ростлаш билан: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВАр (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (1б.+3б.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори.				

2. Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (кВАр.соат)	Шу жумладан		Шу жумладан тариф гуруҳлари бўйича			Қувват коэффициентининг кўрсаткичи	
		Катта юкламалар ва соатларда 6-00дан 22-00 соатгача (кВАр.с)	Кичик юкламалар ва соатларда 22-00дан 6-00 соатгача (кВАр.с)				Катта юкламалар ва соатларда 6-00дан 22-00 соатгача $\cos \varphi$	Кичик юкламалар ва соатларда 22-00дан 6-00 соатгача $\cos \varphi$
Январь								
Февраль								
Март								
Апрель								
Май								
Июнь								
Июль								
Август								
Сентябрь								
Октябрь								
Ноябрь								
Декабрь								

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иқтисодий қиймати, шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган қувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг ушбу шартномадаги миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий қийматининг амалдаги миқдори истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Устама қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун қуйидаги миқдорда аниқланади:

Актив энергиянинг ҳақиқий истеъмолидан қувват коэффициентининг шартномавий

киймати натижаси бўйича аникланадиган реактив-энергия реактив-энергия хакикий иқтисодий киймат доирасида истеъмолкилинганда 10%-актив энергиянинг хакикий истеъмолидан ва қувват коэффициентининг шартномавий киймати натижаси бўйича аникланадиган реактив энергия реактив энергия иқтисодий киймат микдоридан ортик истеъмол килинганда

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив киймати истеъмолчилар томонидан қўллаб-қувватланмаслиги аникланганда, корхона томонидан белгиланган тартибда электр энергия йўқолиши кийматининг техник иқтисодий ҳисоб-китобларини амалга оширади, шунингдек қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан расайтирилгани учун истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундиради.

Бунда, бу ҳисоблар ва қўшимча маблағларни ундириш “Истеъмолчи” томонидан қувват коэффициент кўрсаткичларини ҳисобот даврида шартномада кўрсатилган кийматдан пасайтирилгани тўғрисидаги “Ўздавэнергоназорат” инспекциясининг тасдиғи мавжуд бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалари истеъмолчи ягона электр энергетика тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкламали соатда реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларда ягона энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол килинганда, агар истеъмолчининг бундай режимда ишлаш зарурати шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма қўшилган киймат, солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифининг 15% микдоридан белгиланади.



528 260,86.

Электр таъминоти шартномасига 7 - илова
Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА

Тузилди _____
“Истеъмолчи”нинг вакили иштирокида _____
Ягона электр энергетикаси тизимида узоқ муддатли ёки қисқа муддатли қувват танқислиги юзага келганда “Истеъмолчи” қуйидагиларни бажаришни керак:

1. Ускуна юкламасини технологик бронь даражасигача пасайтириш:

Т/р №	Технологик бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изох
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроксиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнғин, захарланиш ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронига шунингдек авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич _____ кВт
II босқич _____ кВт
III босқич _____ кВт
IV босқич _____ кВт

2. _____ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария бронни даражасигача узиб қуйилади.

Т/р №	Авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изох
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт


* а) Юклама остида ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар ҳамда қўриқлаш ёритиш тизими қолдирилади.

б) Авария бронига захирадаги ёнғинга қарши насослар ва бошқа ёнғинга қарши агрегатлар тааллуқли эмас. Ҳушбу агрегатлар, керак бўлишига қараб, олдиндан “Корхона” билан келишилган ҳолда рўйхатга қилиниши мумкин).



Корхона

«Навоий ХЭТК» АЖ бошқаруви
Б.Исломов
ЭТК бошқаруви
ЭТК ЭЭОХ ва ТКБ муҳандиси



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RSIDA HUQUQIY XULOSA**
№ 1467

1. Huquqiy ekspertiza qilinayotgan loyihaning turi:
Shartnoma.

2. Loyihaning nomi:
Konimex tumani Tibbiyot birlashmasi va "Navoiy hududiy elektr tarmoqlari korxonasi" AJ o'rtasida 15.01.2022 yilda tuzilgan № 51/2-sonli elektr ta'minoti shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvhisi va dasturga kiritilgan sana haqida ma'lumot.
Konimex tumani Tibbiyot birlashmasi va "Navoiy hududiy elektr tarmoqlari korxonasi" AJ tomonidan ishlab chiqilgan va 17.01.2022 yilda dasturga kiritilgan.

Mazkur loyiha Konimex tumani yuridik xizmat ko'rsatish markazi tomonidan, O'zbekiston Respublikasi 1998 yil 29 avgustdagi "Xo'jalik yurituvchi sub'yektlarning shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonunning 21-moddasiga asosan ushbu shartnoma loyihasini huquqiy ekspertizadan o'tkazildi va quyidagilar aniqlandi.

Loyiha O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O'zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgustdagi "Xo'jalik yurituvchi sub'yektlarning shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 27.09.2018 yildagi "O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonunini amalga oshirish chora tadbirlari" to'g'risida"gi PQ-3953-sonli qarori bilan tartibga solingan hamda shartnoma shartlari va tarflarning javobgarligi me'yori va nizolarni hal etish tartibi qonunchilik talablariga mos keladi.

Yuqoridagilarga asosan quyidagicha xulosa qilindi,

XULOSA

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan hamda uni imzolash qonunchilikka muvofiq.

Bosh yuriskonsult



Sh.Bozorov
17.01.2022 yil